

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

“Қўғирчоқ театри санъати” кафедраси

Марям Ашурова

“Актёрлик маҳорати” фанидан 4-курс актёрлик курси учун

маъруза матни



Тошкент – 2014

Мундаража

I. Кириш

II. Диплом спектаклини амалга оширишдаги асосий йуналишлари :

1. Пьеса устидаги ижодий иш жараёни
2. Спектакл яратишда ижодий гуруҳнинг ҳамкорлиги. (рассом, хайкалтарош, қўғирчок устаси ва механизатор).
3. Қўғирчок театрида сўзнинг ишлатиш омиллари
4. Этютнинг спектакл яратишдаги ўрни.
5. Образ яратиш жараёнида актёр талқинидаги асосий хусусиятлар
- 6. Қўғирчок театрида образ яратиш жараёнида актёр ва рассомнинг ижодига хос бўлган хусусиятлар.**
7. Саҳнавий талқин ва томошабин.
8. Услубнинг образ яратиш жараёнидаги ўрни.
9. Образ яратиш жараёнида миллийлик ва миллий анъаналарнинг тутган ўрни.
10. Қўғирчок театри санъатининг бугуни ва эртаси.

Кириш

Қўғирчоқ театр санъати қадимий ва бой маданиятимизнинг таркибий қисми бўлиб, ўзининг жозибадорлиги, ёрқинлиги ва мафтункорлиги билан ажралиб туради. Бу санъат тури воқеликни тасвирий санъат асари бўлган қўғирчоқ персонажлари орқали ўзига хос услубда кўрсата олиш имкониятига эга бўлган бетакрор санъат турларидан биридир. У халқ маънавияти ва бадиий тафаккурининг ажралмас қисмидир. Шу боис ҳам бу санъат минг йиллар оша ривожланиб, янги шакл ва янги қирралар кашф этган навқирон санъат сифатида ижод қилиб қолмоқда.

Театр саҳнасида “жонланиб” тилга кирган қўғирчоқ болаларга беқиёс завқ – шавқ, маънавий озуқа бахш этади. Болаларимизни ҳаёт жумбоқлари устида бош қотиришга ундайди. Гўзаллик, дўстлик, адолат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик туйғуларини уларнинг юракларига жо этади. Бир сўз билан айтганда замонавий қўғирчоқ театр санъати Мустақил Ўзбекистон келажаги бўлган ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришда, ёшларни ватанга садоқат, маънавий баркамол ва ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда ўзига хос бетакрор санъатдир. Бу ўзига хос бўлган санъат турининг раванқ топиши ҳамда жаҳон қўғирчоқ театрлари орасида янада нуфузга эга бўлиши учун ҳар томонлама етук, юқори маданиятли, ўз касбининг моҳир устаси, замонавий билимларни мукамал эгаллаган, замон талабига тўлиқ жавоб берадиган юқори даражали мутахассисларни тарбиялашдек ўта масъулиятли иш бугунги кун талабидир.

Шунинг учун биз тарбиялаётган мутахассислар маънавий ва жисмонан бақувват, ҳар томонлама билимли, актёрлик касбининг турли жанрларини юксак профессионал даражада эгаллаган саҳна қўғирчоқларининг барча турларини маҳорат билан бошқарадиган, катталар ва айниқса болалар психологиясини чуқур хис этадиган тасвирий санъат турлари ва жанрлари бўйича кенг билимга эга моҳир санъаткорлар бўлиб етишмоқлари даркор. Бўлажак мутахассисларда бундай характерли хусусиятларни тарбиялашда

“Қўғирчоқ театр актёрлиги маҳорати” дарсининг энг асосий вазифаси саналади.

Бу фан қўғирчоқ театри актёрини тарбиялаш борасида тўртта йўналиш бўйича иш олиб боради:

- 1) Актёрнинг ижод жараёнидаги ўз устида ишлаши (жонли план).
- 2) Замонавий қўғирчоқ турларини ўзлаштириш.
- 3) Актёрнинг ижод жараёнидаги образ устида ишлаши ва унинг хусусиятлари.
- 4) Актёрнинг қўғирчоқ образ яратиш ва уни талкин қилиш яъни қўғирчоқ персонажининг пластик ечимлари.

Бу курсни уқитиш жараенида К.С. Станиславский яратган система, С.В. Образов, М.М. Королев мактаблари, ҳамда миллий кугирчоқ театр санъатининг йуналшлари асосида кугирчоқ театр актерлигининг назарий ва амалий асослари, асосий тушунчалар ва ички техникани асосий элементлари, рухий – жисмоний талкин, мулокат ва воқеалар талкини, асарни пластик ҳал этиш, пьесанинг ва ролнинг анализи каби қобилиятларни янада чуқур урганиш ривожлантириш киради.

Олий ўқув юрти талабаларининг билим даражаси юзаки бўлмай, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларнинг таркибини ташкил қилиши, амалдаги таълим-тарбия тизими жамиятимизда бўлаётган ислохот янгилашиш жараёнлари, талаблари яқиндан боғланган бўлиши керак. Мазкур ўқув фанини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа ўқув фанлари сахна нутқи, рақс, пантомима, сахна ҳаракати, ритмика, қўғирчоқ яшаш технологияси, мусиқа назарияси, вокал, болалар ва катталар психологияси, жисмоний тарбия, ўқитишнинг замонавий технология воситаларидан компьютер, диплом ишларини янада такомиллаштиришда ёрдам беради, синтезатор эса, диплом ишларини образлар талқинида характерни ички дунёсини очишда ёрдамчи воситачи вазифасини ўтайди.

II. Диплом спектаклини амалга оширишдаги асосий йуналишлари :

1. Пьеса устидаги ижодий иш жараёни.

Туртинчи курс уқиш жараенида курс талабалари барча фанлардан уқиб урганган билимларини диплом спектаклини амалга ошириш учун сарфланади. Диплом спектаклида талабалар томонидан яратиладиган ҳар бир образ профессионал театр актерининг ижодий иши билан тенг булиши лозим. Чунки санъат мактабининг бугунги дипломати, эртанги куннинг театр актери. Шундай экан, диплом спектаклидаги ҳар бир килинадига иш, бу профессионал театрга қуйиладиган илк кадам ҳисобланади. Диплом спектакл профессионал театрнинг бутун имкониятларидан келиб чиққан ҳолда сахналаштирилади. Яъни спектакль сахналаштириш профессионал театрдагидек маълум график асосида олиб борилади. Бу жараенда талабалар ҳар томонлама мустақил ижод қилишга, коллективни ҳис қилиш, уни тушуниш ва бир – бирига ижодий ҳамкорликда ердан бериш хусусиятларини тарбиялаш ҳам диплом спектаклини яратиш жараенига қиради.

Туртинчи курснинг уқиш жараенида амалга ошириладиган диплом спектакли яхши драматургия ҳамда бой гоёга асосланган мукаммал асар булиши шарт. Спектакль замонавий ёки классик асар ҳам булиши мумкин. Энг асоси танланган асардаги персонажлар ҳар хил характерли хусусиятларни узида мужассамлаштирмоғи лозим. Агар диплом олди спектакли албатта кичик ешдаги томошабин учун танланган бўлса, диплом олди спектакли албатта катта ешдаги томошабинларга мулжаллаб олинган булиши керак. Биз биламизки, қугирчок театри фақат еш томошабинлар учун эмас, балки катта ешдаги томошабинларни ҳам хушнуд қилиб келмоқда. Ҳар бир қугирчок театри сахнаси учун танланган асар уз томошабинига эга бўлган ҳолда унинг ешига қараб сахналаштирилади.

Шундай килиб, курс талабалари учун танланган пьеса яхши драматургияга асосланган замон талабига жавоб бера оладиган, илгор гоёни тараннум этган булиши керак. Албатта пьеса курс талабларини имкониятидан келиб чиққан ҳолда танланади. Асарнинг энг асосий томонларидан бири, спектаклда курс талабларининг ижодий имкониятларини тулақонли очиб бера оладиган турли хил характерли персонажлар образи булиши шарт. Чунки курсда таълим олаётган ҳар бир талаба узининг ижодий профессионал томонларини оча оладиган образга эга бўлмоғи даркор.

Танланган пьесанинг мавзуси, асосий гоёси, воқеалар тизмаси, карама – қаршилик, ечим, етакчи ҳатти – ҳаракат, шарт – шароит аниқланади. Энг асоси бу асар ҳозирги кунда актуал бўлиб, болаларни дунёқарашини шакллантиришда муҳим рол уйнаши ва уларни маънавий – маърифий ва эстетик томондан тарбиялаш учун хизмат қилаши керак. Асарни танлашда яна бир мақсад шундан иборатки, курс талабаларининг ҳаммаси яхши мукамал образлар яратиш имкониятига эга булиши шарт. Шундай килиб диплом учун пьеса танлаш, уни тасдиқдан ўтказиш, талабалар билан пьесани тула қонли таҳлил қилиш, расм билан пьесани декорация ва қўғирчоқларни эскизини тасвирлаш ва тасдиқлаш, шунингдек тайер эскизларни қўғирчоқ ясаш ўстахонасининг ижодкорларига уларни тайерлаш учун топшириш жараёни маълум графикага асосланган ҳолда кечади. Диплом спектакли учун қўғирчоқ декорацияларани профессионал расм ва қўғирчоқ ўстаси тайерлаб бериши, спектакл учун мусиқа танлаш еки оригинал мусиқа ёзиш учун профессионал мусикачи еки композиторга топширилади. Шу билан бирга талабалардан ташқари диплом спектаклини яратиш жараёнида ҳамкор ижодкорларни булиши шарт. Булар : педагог – режиссер, расм – ҳайкалтарош, қўғирчоқ ўстаси, бутафор, композитор. Бу ижодкорлар пьеса ўстидан ишни якунлагандан кейингина сахнада иш жараёнини бошлаш мумкин. Бу хусусият қўғирчоқ театрига хос хусусиятлардан биридир. Чунки драма, мусикали драма, балет, опера театрларида спектакль яратишда актёр энг биринчи персонаж (фигура) бўлса, қўғирчоқ театрида биринчи персонаж бу қўғирчоқ, сўнг уни бошқарадиган

актёр. Шунинг учун кўғирчоқ театрида ҳамма театрларидагидек бирламчи пьеса, иккиламчи жонли актёр эмас, балки тасвирий санъат асари бўлган жонсиз кўғирчоқдир. Шу хусусият билан ҳам кўғирчоқ театри санъати бошқа театр санъати турларидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам пьеса биринчи режиссёрнинг қўлидан рассом ва кўғирчоқ устасининг қўлига тушади. Улар устахоналардан пьеса персонажларини тайёрлашади. Рассом кўғирчоқ устаси ва композитор талабларини спектакл эскизи, кўғирчоқларни яшаш жараёни ҳамда ижроси билан таништириб боришади. Албатта буларнинг иш жараёни педагогика режиссёрнинг асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Спектаклга тайёргарлик жараёни кўғирчоқ персонажлари тайёр бўлгунча ўқув устахонасида иш давом этилади. Бу албатта пьесанинг катта кичиклигига ҳамда у ердаги кўғирчоқ персонажларининг сонига қараб давом этиди. Шунга қарамасдан устахонада қилинадиган ишлар аниқ жадвал асосида маълум муддатда бажариладиган сана қўйилади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни барчасини инобатга олган ҳолда, шундай хулосага келсак бўлади. Демак, 4 курсда диплом спектаклини амалга ошириш юқорида қайд қилинган ижодкорларни бирлаштирганда яхлит спектакл яратиш мумкин.

Диплом спектаклида талабаларнинг иш услуби катта ёшдаги томошабинларни ҳам хушнуд қилиб келмоқда. Ҳар бир кўғирчоқ театри сахнаси учун танланган асар, ўз томошабини ва эга бўлган ҳолда унинг ёшига қараб сахналаштирилади.

Диплом спектаклида талабаларнинг шу услуби актёрни бир қолибга солиб қўяди. Диплом спектаклида талабаларга тўғри рол тақсимлаш иш босқичининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ўқиш жараёнида талабалар диплом олди ва диплом спектаклларида турли хил бир-бирига монанд бўлмаган образларни яратиши, унинг келгусида театрда кўп қиррали актёр бўлиб ишлашига тўғри йўл очиб беради. Чунки, кўғирчоқ театрининг ўзига хос хусусиятларидан бири актёр битта спектаклда бир нечта образ яратиш имконига эгадир. Бундай ҳолни биз диплом олди спектаклида ҳам қўлланганлигини курсимиз А.Қобулов асари яъни “Сехрли кийик”

спектаклида талаба С.Шарипова тантик, қайсар, эркатой, шох қизи “Будур” ҳамда бу образга қарама-қарши бўлган доно, вазмин, ақл билан иш кўрадиган “Товус” образларини тўлақонли ярата олганлиги гувоҳимиз. Талаба А.Шамсиев эса “Ёвуз ўргимчак” ҳамда “Соқчи” образларини яратади. Диплом иши учун олинган Исфандиёрнинг “Аваз Ботир” спектаклида С.Шариповга “Қарға” ролини, “Сехрли кийик” ролини ижро этган Н.Фармоновага қайсар гулини, И.Содиқовнинг “Афандининг беш хотини” спектаклида В.Шамсиев “Афанди” ролини ижро этган бўлса, “Аваз ботир” спектаклида очкўз “Дев” ролини зўр муваффақият билан ижро этади. Ўқиш жараёнида дипломларнинг ҳар хил образлари яратиш уларнинг истеъдодини янада кенг кўламда очилишига ёрдам беради. Фақат бу йўналишда улар юзакиликка, бачканаликка, масхарабозликка ўтмасдан образ талқинига жиддий ёндашишига тўғри келади. Ижод мактабида талабанинг имконият кирраларини кенроқ очилишига унинг келгусида профессионал театрда яхши мутахассис бўлиб ишлашига имконият яратади. У образ яратиш жараёнида мустақил ишлашга ўрганиши лозим. Ижод жараёнида яратаётган образлар бирданига пайдо бўлмасдан аста секинлик билан туғила бошлайди. Яъни образнинг характериға хос бўлган хусусиятлар унинг тасаввурида пайдо бўлиб, уни қўғирчоқ персонажига мослаштириб ишлай бошлайди. Қўғирчоқ театрида образ яратиш қўғирчоқнинг ташқи ҳолатидаги хусусиятларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Шунинг учун образга топилган юриш-туриш, одат-киликлар унинг ташқи характеридан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Яъни актёр образ яратиш жараёнида қўғирчоқнинг танасидаги ҳар бир аъзосини ўзига итоат қилдира олиш кучига эга бўлиш лозим. У қўғирчоқни итоат қилдира олдими, актёрда ўзига нисбатан ишонч ҳосил бўлади. Сўнг у итоаткор қўғирчоқ образини пьесадаги давр, уни ўраб турган муҳит, ўша даврнинг урф-одатлари, кийим-кечакларига монанд, қўғирчоқ персонажнинг ниқобининг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда секин мақсадли ҳаракат қилишга ўргатади ва уни тана ҳаракатларини ривожлантириб боради. Шунда қўғирчоқ персонажининг тана ҳаракати эпчилликка, нозикликка ва ҳаракатчанликка мойил бўлади. “Аваз-Ботир” спектаклида Гули образини

яратиш жараёнида Ҳикматой кўп ижодий қийинчиликларга дуч келди. У Гули – кўғирчоғини бор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уни яхши бошқариш йўлларини ўрганиб олди. Спектакль шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда сахнада ишлаш жараёнида кўғирчоқни ҳозир йўлига олгандек ўзини йўқотиб қўйди. Чунки, ундан фақат умум хусусиятга эга бўлган кўғирчоқни эмас, балки айнан шу спектаклдан келиб чиққан ҳолда қайсар шоҳ қизи Гулини образини яратиш талаб қилинди. Демак, оддий қиздан шоҳ қизининг кийиниши, юриш-туриши, ўзини тутиши, гапириш одатлари, атрофдагиларга муносабати бутунлай бошқача. Шунинг учун образ яратиш жараёнида айнан шу спектаклдаги маълум образга мос бўлган характердаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ишлашни ўрганиш керак экан. Образ яратиш жараёнида биринчи унинг ташқи ҳолатидаги ҳатти-ҳаракатлар аниқ топилиб, ундан кейин образнинг ички моҳияти билан уларни бирлаштирган ҳолда ишлаш керак. Актёр ижодининг мувоффақияти бу унинг изланишида, борлиқни сезиб идрок этишда ҳамда барча топилган нарсаларни образни яратиш жараёнида уларни шунга тадбиқ қила олишидадир.

Кўғирчоқ актёрида образ моҳиятини муҳим томонини очиб бериш учун унга кучли тасаввур, моҳирлик, топшириқлик, сеҳиргарлик ҳамда такрорланмас сеҳирли овоз керак бўлади. Бу хусусиятларни актёр образ устида ишлаш жараёнида тўғри аниқ ишлата олса, ана шунда образ талқини тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлади. Бунга мисол тариқасида Фарғона кўғирчоқ театрида сахналаштирилган “Олтин жўжа” спектакилидаги Бўри образини талқин қилган Т.Султонов, Андижон театри сахнасида яратилган “Шоҳ Лайлак” спектаклидаги Р.Чўққиев ижросидаги Салим донишманд ва савдогар Мирза, Тошкент Давлат кўғирчоқ театрида “Иссомбуси” спектаклида Иссомбуси ролини ижро этган Муниса Эгамбердиева, институт ўқув театрида “Афандининг беш хотини” диплом спектаклида Афанди образини яратган Валижон Шамсиев, шу спектаклда Жаннатой образини зўр маҳорат билан ижро этган Қирмизи Куббесова, “Йўлдош ота саргузаштлари” спектаклида Япон хотини ва кампир образини яратган Гулнозаларни мисол қилса бўлади.

Бу спектаклларда муваффақиятли чиққан образлар талқини айнан уни яратган актёрнинг билим даражасига, сахна санъати тўғрисидаги кенг тушинчаси ва маълумотига, маҳоратига ҳамда сахнада меъёр даражасини билган ҳолда ижод қилиб, ўзи яратган образни тўлақонли кенг мазмун ва маънода ярата олганлигидадир .

Диплом спектаклини яратиш жараёнида дипломатлар юқорида келтирилган театр актёрига хос бўлган хусусиятлари ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Чунки улар яратаётган образларнинг ҳар бири ўз характериға, тарбиясига, ҳаёт тарзига, жамиятда тутган урниға боғлиқ бўлади. Демак, пьесада автор томонидан олинган маълум давр, вақт, макон ва унда яшаётган персонажларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятиға эға бўлган турли характердаги инсонлардир. Образ яратиш жараёнида ҳар бир талаба ўзининг иш йуналишини унга бириктирилган ролнинг айнан шу персонажға хос бўлган характериға монанд хусусиятларни излаб топишға тугри келади.

Мисол учун Исфандиернинг «Аваз – Ботир ва малика Гули» спектаклидаги ҳар бир персонаж Аваз-Ботир – ақлли, ҳақғуй, ўз халқиға, Ватаниға содиқ, севғилисига эришиш учун ҳар қандай тусиқларни енгишға қодир, қучли – паҳлавон ботир. Малика – Гули – қайсар, тантқиқ, қоронғулиқ мамлақатида яшаса у табиатни, қушларни, еруғлиқни, қуешни, одамларни жуда яхши қуради. Севғисига содиқ қиз.

Баймоқ – сотқин, бойлиқ учун ҳамма евузлиқларға тайер, ўз манфаатини қузлайдиган очқуз персонаж.

Қарға – ақлли, итоатқор, ҳақиқат учун қурпшувчи, инсонлардаги яхши ҳислатларни қадрлайдиган персонаж ва х.к. лар.

Демак ички характерли хусусиятларидан қелиб қикқан ҳолда рассом – ҳайқалтарош, қугирқоқ устаси, механизатор ҳамда педагог – режиссер ҳамқорлиғида ташқи умулашган хусусиятға эға бўлган қугирқоқ таерланиб, талаба қулиға топширилади. Талаба бу персонажнинг қузлари утқир, қирра бурун, кенг елкали, қийими остидан билағидаги қучи буртиб турибди, унинг ташқи қуриниши қучли ва бақувват одамлиғини айтиб турибди. Белида қамар, елкасида ук – ей осиб олган.

Гули – чиройли, гавда тузилиши жуда нозик, яшил харир куйлак кийган, юзидан унинг жахлдор сарой кизи эканлиги куришиб турибди.

Шундай килиб, хар бир персонажнинг ички характериға мослаб, уни ташки хусусиятларига мослаб хатти – харакат килишға ургатиш, яъни персонаждаги ташки тана харакатчиликгини унинг ички дунесидан келиб чиккан холда амалға оширилади. Бу жараен обрвз мохиятини ва магзини очишда талабадан бутун махорат ва истъдодини ишға солишини талаб килади.

Қўғирчоқ театрида сўзнинг ишлатилиш йўллари

Қўғирчоқ театрида сўзнинг туғилиши бошқа театр санъат турларидан фарқ килади. Бу театрда сўз драма, мусикали драма, эстрада театрларидек энг муҳим ҳисобланмайди.

Саҳнада қўғирчоқ персонажи қанча кам гапирса, унинг саҳнада яшаши шунча кизиқарли таъсирчан бўлади.

Қўғирчоқ табиатига кўра саҳнада туриб кўп гапиришға узундан узун монологлар айтишға мўлжалланмаган. Унинг ташки ҳолати ҳам буни кўтара олмайди.

Шунинг учун кўпинча қўғирчоқ театри режиссёрлари, болалар драматурглари мурожаат қилганда қўғирчоқ театри учун ёзиладиган пьесаларда харакати кўп бўлиб, сўз камроқ бўлсин дейишади. Бунинг сабаби қўғирчоқ саҳнадан туриб ўзининг айтиш мумкин бўлган кўпгина дил изҳорларини ўз пластик харакати орқали ҳам айтиши имконига эга бўлади.

Агар биз драма, мусикали драма, эстрададан сўзни олиб ташласак, бу театрлар ўз юзларини йўқотган ҳисобланади. Ёки бу имо ишора “харакат” театрига айланиб қолади.

Қўғирчоқ театридан сўзни олиб ташласа, у бемалол пластик харакат хусусиятига кўра қўғирчоқ театри бўлиб қолаверади. Бу ҳақда М.М. Королёв шундай дейди: “Қўғирчоқ театри учун сўз иккита сабабга кўра асосий восита ҳисобланади. Биринчиси, актёр билан қўғирчоқнинг асосига ҳалакит бермайдиган хар қандай восита унга бегона эмас. Иккинчидан, инсонлар

орасидаги муносабат воситаси бўлган сўз, кўғирчоқ театрини бойитади. Шунинг учун ундан воз кечишига ҳеч қандай сабаб йўқ”.

Демак, юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда шуни айтмоқчиманки, сўз кўғирчоқ театри учун ҳам керак бўлган муносабат воситаси ҳисобланар экан. Лекин сўз кўғирчоқ театрида ўз “меъёр” даражасини билиши шарт.

Шундай қилиб, сўз кўғирчоқ театрида унинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда туғилар экан, яъни актёрнинг қўлидаги кўғирчоқ унга ҳар доим қандай гапириш кераклигини ташқи характери ва образ яратиш жараёнидаги воқеалардан келиб чиққан ҳолда айтиб бериб турар экан.

Демак, кўғирчоқ бошқараётган актёр унинг шу хусусиятларини инобатга олган ҳолда овоз ва сўз характеристикасини топади. Бу эса кўғирчоқ театрида сўзининг табиий эмас, балки сунъий равишда туғилишига олиб келади. Мисол учун, концерт дастуридаги “Қароқчи” кўғирчоқ образи. Унинг ташқи тузилиши қўпол, кўзлари чакчайган, жағи олдинга чўзилган, лаблари дўрдоқ одам бу ҳолатда қандай гапириш имкониятига эга бўлади. Унинг овоз тембри қандай хусусият касб этади. Яъни шу персонажга хос овоз характеристикасини топишга тўғри келади. Ундан кейин бошқа хусусиятлари бирин-кетин инобатга олинади.

Ёки кўғирчоқ театридан кўп учрайдиган жонсиз предметлар ёки шамол, қуёш, булут, юлдуз, ой ва ҳ.к.ларнинг персонаж бўлиб ишлатилиши ҳам уларга хос ва мос овоз характеристикасини топишга тўғри келади. Албатта бу персонажларнинг ўзига хос характеристикасидан келиб чиққан ҳолда бўлади, яъни шамол – кучли, қуёш – қудратли, юлдуз – нозик овоз тембри шунга мос тушиши керак.

Кўғирчоқ театрида сўз ва ҳаракат бир-биридан келиб чиққан ҳолда бир-бирини тўлдириб туради. Мисол, “Жўжани кузда санаймиз” концерт номеридаги тулкилар жўжа билан рақсга тушиб туриб, уни ейиш илинжида “Оҳ қандай мазали” деб унга ташланишади.

Ёки “Лолахон” номеридаги Лолахон чилдирма чалиб даврага рақсга таклиф қилган йигитга рад жавобини бериш учун “йўқ, йўқ мен рақсга тушмайман” – деб унинг ёнидан кетиб қолади. Кўғирчоқ театрида битта

спектакль ёки концерт дастурида сахнада бир вақтнинг ўзида актёр бир нечта образ яратиш мумкин. Бу санъатга хос хусусият. Чунки бу ерда актёрнинг ташқи кўриниши инобатга олинмай, фақат унинг овоз диапозонига боғлиқ ҳолда танланади. Яъни актёр овозини ҳар хил қилиб ўзгартира олиши, товуш ва сўз характеристикасини топа олиш қобилиятига эга бўлиши даркор. Шунда у яратган образлар характер жиҳатдан мутлақо бир-биридан фарқ қилган ҳолда талқин қилинади. Мисол, “Оҳанглар жилоси” концерт дастуридаги Тулкиой, Лолахон, Антиқахон, Хўранда образларини ифода этган талаба Н. Фармонованинг талқинидаги бу персонажлар характер жиҳатидан мутлақо бир-биридан фарқ қилади. Шунга қарамасдан Наргиза бу персонажларнинг характерига хос ва мос тушган. Унинг талқинидаги Тулкиой – айёр бўлса, Антиқахон қўпол, Лолахон – нозик бўлса, Хўранда – очкўз қилиб олиб чиқилган. Уларнинг характерига хос хусусиятлар ҳамда кўғирчоқларнинг ташқи формаси Наргизага сахнада бу персонажларни тўлақонли образ сифатида олиб чиқишига ёрдам берди.

4.Этюднинг спектакль яратишдаги ўрни.

Биз биламизки спектаклни яхлитлигича сахнага олиб чиқиб ўйнаб бўлмайди. Спектакль майда бўлақлар ва кўринишлардан иборат бўлади. Ана шу майда бўлақлар мағзини чақиб, сўнг уларни асосий ғояга, аниқ мақсадга бўйсундириш керак. Асосий ғоя ва мақсад спектакль устида олиб бориладиган ишга тўғри йўл кўрсатувчи компас вазифасини ўтайди. Бу йўл эса ҳаёт паст-баландликлардан, ўнқир-чўнқирлардан иборат бўлади. Ана шу ҳаёт йўлакларидан ҳар бир персонаж ўз мақсадига эришиш учун ҳар хил йўл билан боради. Сизнинг кўлингиздаги кўғирчоқ бу жараёни ўташ учун узок йўл юришга тайёр бўлиши керак. Бу узок йўлни босиб ўтиш учун кўғирчоқ сахнада эркин хатти-ҳаракатга мойил бўлиб, ўз кучига ишонмоғи лозим. Менимча, бу жараён енгилроқ ва осонроқ кечиши учун унга этюд ёрдам беради. Шунинг учун кўғирчоқ персонажи асосий мақсадга эришмоғи учун биринчи қадамини этюддан бошлайди. Яъни у аста-секинлик билан ҳаёт

лавҳаларини англашга, тушунишга, уни ўзгартиришга ҳаракат қила бошлайди. “Сехрли кийик” спектаклидаги “Ёрдам” деб номланган бир бўлакни олиб этюд тариқасида ишлаб кўрамиз. Бунда биз автор томонидан берилган шарт-шароитни оламиз. Яъни воқеа тоғ бағрида содир бўлади. Овчи Кийикни ушлаш учун унга тузоқ кўяди. Кийик тузоққа тушиб қолади. Шу атрофда ўтин териб юрган бола Кийикни қийналаётганини кўриб қолади ва унга ёрдамга келиб, уни қутқаради. Шу пайт овчи келиб қолади ва Кийикни кўйиб юбормайди. Охири бола йиғиб юрган пулларини овчига бериб, Кийикни қутқариб олади. Овчи кетади. Кийик ўз навбатида ҳаётини асраб қолганлиги учун болани иқтисодий тангликдан озод қилади ва дўстлик рамзи сифатида Кийик унга сехрли кўнғироқчасини совға қилади. Бу кўнғироқ Ҳасанга жуда кўп бойлик келтиради. Демак, бу этюдда талабалар автор томонидан берилган шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда кўғирчоққа яқин бўлган хатти-ҳаракатларни топишади. Бу топилган хатти-ҳаракатлар аниқ мақсад сари йўналтирилган бўлиши керак. Этюддаги иш жараёни кўғирчоқ персонажи билан актёрни бир-бирига яқинлаштиради. Спектаклни бошидан охиригача этюд тариқасида ўтиши лозим. Талабалар этюд ишлаш жараёнида кўғирчоқнинг имкониятларини ўзи учун аниқлашга имкон яратади. Яъни талаба бу йўналишда кўғирчоқни техник бошқаришдан ижодкор актёр сифатида намоён бўла бошлайди. У бу жараёнда қўлидаги кўғирчоқни қандай бошқариш эмас, балки иш йўналишида у яна қандай кутилмаган ҳаракатлар қилишга қодир эканлигини ўзи учун аниқлайди.

Демак, образ яратиш жараёнида кўғирчоқнинг ташқи қиёфаси ва автор томонидан унга берилган аниқ характер, яъни унингкелиб чиқиши, фаолияти, хулқ-атвори, идроки, қобиляти, интилиши ва шунга ўхшаш хусусиятлари инобатга олинади. Образларга характеристика бериш жараёнида талаба ўзи сахнага олиб чиқадиган персонажнинг хулқ-атворини, унинг атрофдагиларга муносабатини, етакчи хатти-ҳаракатини ва олий мақсадини аниқлаб олиши зарур. Шунда образ талқини тўғри ва аниқ бўлиб чиқади. Мисол, “Сехрли кийик” спектаклининг қаҳрамони ҳасан-пъесанинг бошланишида камбағал, раҳмдил, оқ кўнгил, ёрдамини бировдан аямайдиган, ҳалол меҳнат орқали

кун кечириб келаётган бўлса, асарнинг иккинчи қисмида у шафқатсиз, фақат ўзини ўйлайдиган, енгил йўл билан бойлик орттириш пайига тушган, бойлик учун дўстини сотадиган, худбин бир инсон сифатида намоён бўлади.

Спектакл бошланишида Ҳасан камбағал бўлишига қарамасдан, йўлдан топиб олган биттаю битта тангасини қопқонга тушиб қолган кийикни қутқариш учун овчига беради.

Ҳасан кийикка: “Энди сен озодсан”-деб уни қўйиб юборади. Кийик ҳаётини асраб қолган Ҳасанга сеҳрли қўнғироғини совға қилади. Спектакль охирида кийик унга: “Ҳасан сенинг ҳамма нарсанг бор, энди менга қўнғироқчани қайтариб бер ва мени қўйиб юбор”- деганда, Ҳасан унга “Мен сенга сеҳрли қўнғироқчани бермайман, у меники. Сен эса менинг қулим бўласан”-деб жавоб беради.

Кийик спектакль бошида беғубор, ишонувчан одамларни кадрлайдиган, яхшилик қилган инсонга қўлидан келгани яхшилик қиладиган, оқ қўнғил бўлган бўлса, асар охирида у одамларга нисбатан ишончини йўқотган, эҳтиёткор, қатъиятли, керак бўлганда жазолаши ҳам мумкин бўлган образга айланади. Спектакль охирида Ҳасан ўз айбини тушуниб етади, сеҳрли кийикдан кечирим сўраб: “Мени ташлаб кетма, сеҳрли кийик” –деб ёлворишига қарамай, кийик: “Энди кеч бўлди Ҳасан, мен сен билан қололмайман, чунки сен бойлик учун дўстингни сотдинг, мен сенга энди ишонмайман ва сени ҳеч қачон кечирмайман”- деб Ҳасанни ташлаб кетиб қолади.

Демак, образ яратиш жараёнида персонажларнинг характериға хос хусусиятлар спектаклда аста-секинлик билан уларнинг хатти-ҳаракати, ҳаётда тутган ўрни, атрофдагиларга билдирган муносабати ва ҳар бирининг мақсадга эришиш йўлида қилган ҳаракатлари асосида кечади. Улар персонаж характери, рўй берадиган қарама-қаршиликлар орқали очилади. Спектакль бошланишида ким ва қандай инсон эканлиги, спектаклнинг охирида ким ва қандай инсон бўлиб қолганини биргина образ орқали ўз талқинига эга бўлади.

Спектакл инсонлар ҳаёт давомида ўзгариб яхши ва ёмон одамларга ажралиши ҳолатини кўрсатиб беришга қаратилади.

Қўғирчоқ образининг характери унинг ташқи пластикаси хатти-ҳаракати, орқали очилади образга топилган мағиз (зерно) шу инсоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама очиб беришга олиб келади. Бу ҳақда Е.Деммени шундай деган эди: “Менимча, қўғирчоқ қўғирчоқлигича қолиб, кенг инсоний ҳис-туйғуларни етказиб бера олиши керак”.

Демак, қўғирчоқлар ўйинида қўғирчоқ спектакллариининг ютуғи бўлиб қолади. Қўғирчоқ театри сахнасида яратилган образларнинг тўлақонли чиқиши қўғирчоқ ўйнига боғлиқлиги билан белгиланади. Спектаклнинг сифати эса қўғирчоқ актёрининг маҳорати орқали аниқланади.

Республика қўғирчоқ театрида қўйилган “Иссумбоси” спектакли актёрлар ўйинига бой бўлган томошабоп спектаклдир. Бу спектаклдаги бош қаҳрамон Иссумбоси образини яратган ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса М.Эгамбердиева қўғирчоқ ўйинида жуда катта ютуқни қўлга киритган. Унинг Иссумбоси қўғирчоқ персонажи фақат қўғирчоқ театри сахнасида содир этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни ижро этган. Яъни бу персонаж қовоқда туғилишдан вояга етгунча япон “ушу” спорт турининг бутун қирраларини оча олган. У шу спортга хос бўлган хусусиятларни икр-чикригача қўғирчоқ пластикасида, яъни қўл, оёқ, гавда ҳаракатларида чаққон ва аниқ кўрсата олди. Томошабинлар кўз олдида қўғирчоқ эмас, балки кичкина одамча ҳаракат қилаётганга ўхшаб кетади. Қўғирчоқнинг ҳаракат пластикасида болаликдан вояга етган ўспириннинг ўсиш даври ҳам бу образда ўз аксини топган. Иссумбоси образининг болаларга хос шўхликлари, ҳаракатчанлиги, тиниб-тинчимаслиги, жўшқинлиги унинг ёшлигини акс эттира олган бўлса, босиқлик, севгига садоқат, ота-онага меҳр образнинг балоғат ёшига тўғри келади.

Атрофдаги персонажларни ҳам ўз кетидан эргаштира олгани бу образнинг энг асосий ютуғидир. Қолган образлар ҳам спектакль жараёнида унинг хатти-ҳаракатига эргашишади.

Шундай қилиб, бу спектакль кўғирчоқ персонажларининг ранг-баранг ўйини билан муваффақиятли чиқиб, Республика кўғирчоқ театри VI анъанавий фестивалда томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунинг учун спектакль яратиш жараёнида бошқа чироқ, декорация, мусиқа кабилар билан бирга асосий диққатни актёрнинг ўйинига қаратиш керак бўлади. Бошқача айтганда, кўғирчоқ театри актёри шу соҳага хос хусусиятлар билан бирга бошқа (одамий) театр хусусиятларига ҳам эга бўлиши зарур. Чунки бу хусусиятлар бир вақтнинг ўзида сахнада бир нечта образ яратиш имконини беради.

Яратилган образлар ҳар хил ҳаракат, ранг, ҳар хил персонажни ифода этиш, уларни овоз диапозонига хос сўз ҳаракатларини топа олиш, кўғирчоқни ҳис қилган ҳолда ўзини у орқали кўрсата олиш характериға эга бўлиши керак. “Сехрли кийик” спектаклида талаба С.Шарипов икки хилдаги кўғирчоқ тури ҳамда характер жиҳатидан бир-бириға ўхшамайдиган икки хил образни битта спектаклда яратишға муваффақ бўлди. Бу образнинг бири эрка, тантиқ, ўжар, танноз Малика Будур (тростли кўғирчоқ) бўлса, иккинчиси ақлли, доно, фаҳм-фаросатли, босиқ, фақат эзгуликка чорлайдиган сехрли товус (ниқоб) образлардир.

Талаба бу образларнинг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида пластик ҳаракат ва унга монанд овоз топа олди. У Будур образида тўсиқ орқасида яширинган ҳолда кўғирчоқнинг имкониятидан келиб чиққан бўлса, Сехрли Товус образини ниқоб кийган ҳолда ижро этди. Бу образни талқин қилишда талаба ниқобнинг ташқи қиёфасидан, ўзининг тана ҳаракатларини унгабўйсундирган ҳолда ҳаракат қилди. Спектаклда бир вақтнинг ўзида бир нечта образ яратиш ҳам шу санъатнинг характерли хусусиятларидан биридир.

Образ яратиш жараёнида актёр кўғирчоқ персонажининг ташқи кўриниши ва характерли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўғирчоққа хос овоз ҳамда сўз характеристикасини топиши керак бўлади. Демак, образ яратиш жараёнида кўғирчоқнинг ташқи ташқи пластик ҳаракати қанчалик зарур бўлса, овоз ҳамда сўз характеристикаси ҳам шунчалик аҳамият касб

этади. Образ устида ишлаш жараёнида кўғирчоқ персонажининг ниқобидан, унинг ташқи ва ички ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда унга овоз жарангини топиш ва уни берилган образга мослаштириш ва образни нутқий характери яратишга эришиш керак. Томоша зали ва тўсиқнинг борлигини ҳисобга олган ҳолда, кўғирчоқни тана пластик ҳаракатини ва нутқини ифодалашда ундаги характерли хусусиятларни топиб, сўзни асосий мақсадга асосланган ҳолда баён қилиш лозим. Актёр сўз орқали образнинг ички моҳиятини томошабинга айта олишга қодир бўлиши даркор. Спектаклнинг ҳаёти ундаги образларнинг тўлақонли чиқишида образни яратувчи талабанинг ишонарли, таъсирли, мақсадга мувофиқ гапира билиш маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Спектакль яратиш жараёнида талаба сахна декорацияси, безаклари, нур, бутофория, мусиқа, шовқин, ширмадаги уч планлик ҳамда спектаклнинг бошқа компонентлари билан танишади. Спектакль яратиш жараёнида ижодий коллективнинг роли беқиёсдир. Чунки ҳар бир талаба бу жараёнда актив иштирок этиши ва сахна қонун-қоидаларига амал қилиши зарур. Портнёрни ҳис қилиш, унга елка тутиш ва ёрдам бериш принципларига амал қилиш лозим.

Қисқача қилиб айтганда, диплом олди спектаклини педогог-режиссёр, расом, кўғирчоқ устаси, актёрларнинг ижодий бирлиги, уларни ҳамфикрлиги ҳамда ҳамкорлиги билан биргаликда яратилади.

Спектаклда ҳар бир талаба кўғирчоқ персонажи орқали тўлақонли образ яратиш имкониятига эга бўлиши керак. Шу билан бир қаторда талабалар кўғирчоқ персонажининг ҳаракатга мойиллиги, этюднинг спектакл яратишдаги ўрни, кўғирчоқ театрида образ яратишнинг ўзига хос хусусиятларини тўлақонли бажаришлари шарт.

Образ яратиш жараёнида актёр талқинидаги асосий хусусиятлар

Кўғирчоқ театр санъати воқеликни кўғирчоқ персонажлар орқали ўзига хос услубда баъзан жиддий, баъзан ҳазил, баъзан эса кинояли йўллар билан лўнда, равон ва қизиқарли қилиб кўрсата олиш имкониятига эга бўлган бетакрор санъат турларидан биридир. Театр сахнасида жонланиб, тилга

кирган кўғирчоқ ёш томошабинларга беқиёс завқ ва шавқ бахш этади. Болаларимизни маънавий гўзаллик оламига етаклайди. Саҳнада яратилган жонли образлар уларни дунёкарашини шакллантиради. Ёш томошабиннинг санъатга ошнолиги илк бор кўғирчоқ театридан бошланади. Шу сабабли кўғирчоқ театри спектакллари томошабинларга тушунарли, жанр жиҳатидан ранг-баранг, замон руҳи билан ҳамоҳанг, ғоявий жиҳатдан етук асарлар бўлиши шарт. Бундай асарларни яратилиши кўп жиҳатдан драматург, режиссёр, бастакор, рассом, кўғирчоқ устаси ва актёрга боғлиқ ҳолда кечади. Бу ижодий ҳамкорлик спектакль яратилишида ҳамда уни дунёга келишида катта ижод йўлини босиб ўтади.

Кўғирчоқ персонажидан ташқари барча ижодкорлар саҳнани тарк этади. Саҳнада уларнинг жонсиз ижодий маҳсули қолади, холос. Ҳатто, кўғирчоқ персонажини жонлантирадиган актёр ҳам тўсиқ орқасига устаси томонидан яратилган тасвирий санъат асари, яъни кўғирчоқ персонажи қолади. Бундан ташқари саҳнанинг сирли оламига етаклаб кирувчи турли кўринишлар, либослар, мусиқа, нурлар жилоси, ҳар хил шовқинлар бўлиши лозим. Албатта, буларсиз кўғирчоқ спектаклини тасаввур қилиб бўлмайди, Бунда саҳна ҳаётини бошқарувчи актёр устун туради. Саҳнага жон бағишлаб, уни ҳаракатга келтирадиган биргина мўжизакор инсон бу тўсиқ орқасида яширинган актёр, яъни кўғирчоқбоздир. Актёр тасвирий санъат асари – саҳна кўғирчоғига аста-секин жон бағишлайди. Албатта, бу бағишлов кўғирчоқ персонажининг ёши, ҳаётда тутган ўрни, мавқеи, қайси замонда яшаши, атроф муҳитга бўлган муносабати орқали унинг характеридаги ўзига хослигини инобатга олган ҳолда кечади. Кўғирчоқ персонажининг хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлган, унинг ички кечинмалари, саҳна беағи, саҳна анжомларига таъсир этиб, уларни жонли оламга айлантиради.

Томошабин кўз ўнгида саҳна қонун-қоидаларига бўйсунган, унинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолдаги ҳаёт гавдаланади. Албатта, саҳна ҳаёти тўлақонли бўлиши, кўғирчоқбозларни усталик билан кўғирчоқ персонажларни ўйин услубини, унинг характерли хусусиятлари инобатга олган ҳолда бошқарилиши, томошабинлар диққатини жалб қилган ҳолда

уларни сахнадаги ҳаётга олиб кириш қўғирчоқ театри актёридан катта маҳорат талаб қилади. Қўғирчоқ театр қоидасига кўра ҳар бир спектаклда яратиладиган қўғирчоқ образи алоҳида ёндашув талаб қилади. Биринчидан, тўсиқ устида турган қўғирчоқ персонажининг гавдаси маълум тана мувозанатига эга бўлиши, иккинчидан, актёр тўсиқ устида турган қўғирчоқни ҳар томонлама кўра олиши, учинчидан, қўғирчоқ хатти-ҳаракатини кўриш ва баҳолаш маълум объектга қараши, тўртинчидан, қўғирчоқни сахна кенглигида эркин ҳаракат қилишига эришиш, бешинчидан, актёр ёнидаги партнёрни сезиш, қўғирчоқ ҳаракатини тўхтатмасдан, партнёр қўғирчоғи ҳаракатини кузатиши, олтинчидан қўғирчоқнинг пластик ҳаракати ва унинг имконият доирасини билиши, еттинчидан, қўғирчоқни ҳаракатга келтириш жараёнида актёрнинг ички кўриш ҳолатини намоён бўлиши, саккизинчидан, сахнада уч планлик йўналиш нуктасида ижод меъёр даражасини аниқлаш, тўққизинчидан, сахнадаги қўғирчоқ персонажлари билан муносабат ўрнатиш ва ҳоказолар зарур бўлади.

Қўғирчоқ театрида образ яратиш жараёнидаги бу каби ижодий ҳолатлар қўғирчоқ турларининг имкониятидан, унинг техник ҳолатидан, пластик хатти-ҳаракатларига мойиллиги ҳамда қўғирчоқ персонажининг характерли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўғирчоқнинг ички имкониятини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Демак, актёр қўғирчоқларни жонлантириб, уларнинг ҳар бирига ўзига яраша юриш-туриш, пластик ҳаракат, феъл-атвор бахш этади. Актёр қўғирчоқнинг ички кечинмалари билан яшай бошлайди. Бошқача айтганда, қўғирчоқлар актёр хис-туйғулари билан йўғрилган ҳолда ўз оламини кашф этади.

Қўғирчоқ театрида образ яратиш жараёнида товуш, имитация ва сўз асосий компонент ҳисобланади. Образ яратиш жараёнида актёр қўғирчоқ персонажининг ташқи кўриниши ва унинг ички ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, унга хос овозни топиши керак бўлади. Қўғирчоқ театрининг персонажлари фақат инсонлар эмас, бу мўжизакор театр сахнасида предметлар, табиат ва ҳайвонот олами ҳам қатнашадилар. Демак, бу олам

сахнавий ҳаракат жараёнига жалб қилиниб, яхлит образлар яратилади. Спектакль жараёнида бўридан қочиб кетаётган қуённи дарахтлар ўз паноҳига олади. Жодугар кампирнинг кулбаси кутилмаганда товук оёғида кўтарилиб ашула айтиб, рақсга тушади. Совукда қолган кийик боласини ғор ўз бағрига олади. Қимматдан хафа бўлган гуллар ундан юз ўгиришади ва ҳоказолар...

Демак, тулки – айёр, дарахт – довюрак, қуён – қўрқоқ, гул –нозиклиги билан бир-биридан ажралиб туради. Образ яратиш жараёнида уларнинг характери аниқланади. Қўғирчоқнинг ташқи пластик ҳаракати қанчалик зарур бўлса, овоз жарангдорлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Образ устида ишлаш жараёнида қўғирчоқнинг ниқобидан унинг ташқи ва ички ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда овоз жарангини топиш ва уни берилган образга мослаштириш ҳамда образни нутқий характери яратишга эришиш керак.

Бир сўз билан айтганда, образ яратиш жараёнида персонажларнинг характериға хос хусусиятлар спектаклда аста-секинлик билан уларнинг хатти-ҳаракати, ҳаётда тутган ўрни, атрофдагиларга билдирган муносабати ва ҳар бир персонажнинг мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракатлари асосида кечади. Улар персонаж характери, унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатнинг ўзгариши, спектаклда рўй берадиган қарама-қаршиликлар, воқеаларнинг ўзгариб бориши орқали очилади. Спектакль бошланишида ким ва қандай инсон эканлиги, спектаклнинг охирида ким ва қандай инсон бўлиб қолганини образ орқали ўз талқинига эга бўлади. Бу ҳақда Е.Деммени шундай дейди: “Менимча қўғирчоқ қўғирчоқлигича қолиб, кенг инсоний ҳис туйғуларни етказиб бера олиши керак”. Демак, қўғирчоқ театр сахнасида яратилган образнинг тўлақонли чиқиши қўғирчоқ ўйинига боғлиқлиги билан белгиланади. Спектаклнинг сифати эса қўғирчоқ актёрининг маҳорати орқали аниқланади.

Қўғирчоқ театрида образ яратиш жараёнида икки мактаб вакили учрашади. Бири жонли актёр-кечинма санъати вакили, иккинчиси тасвирий санъат асари, яъни жонсиз қўғирчоқ кўрсатиш санъати вакилидир. Булар ижод жараёнида учрашиб, бири яратувчи, иккинчиси кўрсатиш

имкониятлари орқали сахнада образ яратишга муяссар бўлишади. Демак, актёр образига фақат ролнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бормасдан, энг аввало кўғирчоқнинг ташқи хусусиятларига эътибор қаратиш лозим экан. Шунда у ширмадаги кўғирчоқ актёри фикрини баён эта олади. Демак, образ яратиш жараёнида кўғирчоқнинг ташқи қиёфаси ва автор томонидан унга берилган аниқ характери, яъни унинг келиб чиқиши, фаолияти, хулқ-атвори, идроки, қобилияти, интилиши ва шунга ўхшаш хусусиятлари инобатга олинади. Образларга характеристика бериш жараёнида талаба ўзи сахнага олиб чиқадиган персонажнинг хулқ-атворини, унинг атрофдагиларга муносабатини, етакчи хатти-ҳаракатини ва мақсадини аниқлаб билиши зарур. Образ яратиш жараёнида унинг шу хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқ мақсад сари интилишини кўрсата олишга муяссар бўлиши лозим.

Шунда образ талқини тўғри ва аниқ бўлиб чиқади. Мисол, “Сеҳрли кийик” спектаклининг қаҳрамони Ҳасан-пъесанинг бошланишида камбағал, раҳмдил, оқ кўнгил, ёрдамини бировдан аямайдиган, ҳалол меҳнат орқали кун кечириб келаётган бўлса, асарнинг иккинчи қисмида у шафқатсиз, фақат ўзини ўйлайдиган, енгил йўл орқали бойлик орттириш пайига тушган, бойлик учун дўстини сотадиган, худбин бир инсон сифатида намоён бўлади.

Спектакль бошланишида Ҳасан камбағал бўлишига қарамасдан, йўлдан топиб олган биттаю битта тангасини қопқонга тушиб қолган кийикни қутқариш учун овчига беради.

Ҳасан кийикка: “Энди сен озодсан” – деб уни қўйиб юборади. Кийик ҳаётини асраб қолган Ҳасанга сеҳрли кўнғироғини совға қилади. Спектакль охирида кийик унга: “Ҳасан сенинг ҳамма нарсанг бор, энди менга кўнғироқчани қайтариб бер ва мени қўйиб юбор”- деганда Ҳасан эса унга “Мен сенга сеҳрли кўнғироқчани бермайман, у меники. Сен эса менинг кулим бўласан”- деб жавоб беради.

Кийик-спектакль бошида беғубор, ишонувчан, оқ кўнгил, одамларни кадрлайдиган, яхшилик қилган инсонга қўлидан келгунча яхшилик қиладиган, оқ кўнгил бўлган бўлса, асар охирида у одамларга нисбатан ишончини йўқотган, эҳтиёткор, қатъиятли, керак бўлганда жазолаши ҳам

мумкин бўлган образга айланади. Спектакль охирида Ҳасан ўз айбини тушуниб етади. Ва сеҳрли кийикдан кечирим сўраб: “Мени ташлаб кетма, сеҳрли кийик” – деб ёлворишига қарамай, кийик: “Энди кеч бўлди Ҳасан, мен сен билан қололмайман, чунки сен бойлик учун дўстингни сотдинг, мен сенга ишонмайман ва сени ҳеч қачон кечирмайман” –деб Ҳасанни ташлаб кетиб қолади.

Демак, образ яратиш жараёнида персонажларнинг характериға хос хусусиятлар спектаклда аста-секинлик билан уларнинг хатти-ҳаракати, ҳаётда тутган ўрни, атрофдагиларға билдирган муносабати ва ҳар бирининг мақсадға эришиш йўлида қилган барча хатти-ҳаракатлари асосида кечади. Улар персонаж характери унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатининг ўзгариши, спектаклда рўй берадиган қарама-қаршиликлар орқали очилади. Спектакль бошланишида ким ва қандай инсон эканлиги, спектаклнинг охирида ким ва қандай инсон бўлиб етишди.

Спектакль ана шу ҳақида бўлиши керак, яъни инсонлар ҳаёт давомида ўзгариб яхши ва ёмон одамларға ажралишади.

Қўғирчоқ образининг характери унинг ташқи пластикаси хатти-ҳаракати орқали амалға оширилади: образға топилган мағиз (зерно) шу инсоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама очиб беришға олиб келади.

Демак, қўғирчоқ спектаклларининг ютуғи – бу қўғирчоқлар ўйинида. Қўғирчоқ театри сахнасида яратилган образларнинг тўлақонли чиқиши қўғирчоқ ўйниға боғлиқлиги билан белгиланади. Спектаклнинг сифати эса қўғирчоқ актёрининг маҳорати орқали аниқланади.

Мисол, Республика қўғирчоқ театрида қўйилган “Исумбоси” спектакли актёрлари ўйиниға бой бўлган томошабоп спектаклдир. Бу спектаклдаги бош қаҳрамон Исумбоси образини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса М.Эгамбердиева қўғирчоқ ўйинида жуда катта ютуқни қўлга киритган. Унинг Исумбоси қўғирчоқ персонажи фақат қўғирчоқ театри сахнасида содир этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни ижро этган. Яъни бу персонаж қовоқда туғилишдан вояға

етгунча япон “ушу” спорт турининг бутун қирраларини оча олган. У шу спортга хос бўлган хусусиятларни икр-чикригача қўғирчоқ пластикасида, яъни қўл, оёқ, гавда ҳаракатларида чаққон ва аниқ кўрсата олди. Томошабинлар кўз олдида қўғирчоқ эмас, балки кичкина одамча ҳаракат қилаётганга ўхшаб кетади. Қўғирчоқнинг ҳаракат пластикасида болаликдан вояга етган ўспириннинг ўсиш даври ҳам бу образда ўз аксини топган Иссумбоси образининг болаларга хос шўхликлари, ҳаракатчанлиги, тиниб-тинчимаслиги, жўшқинлиги уни ёшлигини акс эттира олган бўлса, босиқлик, севгига садоқат, ота-онага меҳри образда унинг балоғат ёшини акс эттира олган.

Бу образнинг энг асосий ютуғи – у атрофдаги персонажларни ҳам ўз кетидан эргаштира олганидир. Қолган образлар ҳам спектакль жараёнида унинг хатти-ҳаракатига эргашишади.

Шундай қилиб, бу спектакль қўғирчоқ персонажларининг ранг-баранг ўйини билан муваффақиятли чиқиб, Республика қўғирчоқ театри VI анъанавий фестивалда томошабинларни олқишига сазовор бўлди. Шунинг учун спектакль яратиш жараёнида бошқа компонентлар чироқ, декорация, мусиқа ва ҳ.к.лар билан бирга асосий диққатни актёрнинг ўйинига қаратиш керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, қўғирчоқ театри актёри шу соҳага хос хусусиятлар билан бирга бошқа (одамий) театр хусусиятларига ҳам эга бўлиши зарур деб ўйлайман. Чунки бу хусусиятлар бир вақтнинг ўзида сахнада бир нечта образ яратиш имконини беради.

Шунда яратилган образларига ҳар хил ҳаракат, ҳар хил ранг топа олиш, ҳар хил персонажни турли муқомда ижро этиш, уларни овоз диапозонига хос сўз ҳаракатларини топа олиш, қўғирчоқни ҳис қилган ҳолда ўзини у орқали кўрсата олиш характерига эга бўлиши керак. “Сехрли кийик” спектаклида талаба С.Шарипова икки хилдаги қўғирчоқ тури ҳамда характер жиҳатидан бир-бирига ўхшамайдиган икки хил образни битта спектаклда яратишга мувофиқ бўлди. Бу образнинг бири – Малика Будур (тростли қўғирчоқ) эрка, тантиқ, ўжар, танноз бўлса, иккинчиси (Сехрли товус - ниқоб) ақлли, доно, фаҳм-фаросатли, босиқ, фақат эзгуликка чорлайдиган образлардир.

Талаба бу образни ҳар бирига уларнинг характерли хусусиятидан келиб чиққан ҳолда пластик ҳаракат ва унга монанд овоз характеристикасини топа олган. У Будур образида тўсиқ орқасида яширинган ҳолда қўғирчоқни имкониятидан келиб чиққан бўлса, Сехрли Товус – образини ниқоб кийган ҳолда ижро этган. Бу образни талқин қилишда талаба ниқобнинг ташқи қиёфасидан келиб чиққан ҳолда ўзининг тана ҳаракатларини унга бўйсундирган ҳолда ҳаракат қилди. Спектаклда бир вақтнинг ўзида бир нечта образ яратиш ҳам шу санъатнинг характерли хусусиятларидан биридир.

Образ яратиш жараёнида актёр қўғирчоқ персонажнинг ташқи кўриниши ва характерли хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўғирчоққа хос овоз ҳамда сўз характеристикасини топиши керак бўлади. Демак, образ яратиш жараёнида қўғирчоқнинг ташқи пластик ҳаракати қанчалик зарур бўлса, овоз ҳамда сўз характеристикаси ҳам шунчалик аҳамият касб этади. Образ устида ишлаш жараёнида қўғирчоқ персонажининг ниқобидан, унинг ташқи ва ички ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда унга овоз жарангини топиш ва уни берилган образга мослаштириш ва образни нутқий характерини яратишга эришиш керак. Томоша зали ва тўсиқнинг борлигини ҳисобга олган ҳолда, қўғирчоқни тана пластик ҳаракатини ва нутқини ифодалашда ундаги характерли хусусиятларни топиб, сўзни асосий мақсадга асосланган ҳолда баён қилиш лозим. Актёр сўз орқали образнинг ички моғиятини томошабинга айта олишга қодир бўлиши даркор. Спектаклнинг ҳаёти ундаги образларнинг тўлақонли чиқишида образни яратувчи талабанинг ишонарли, таъсирли мақсадга мувофиқ гапира билиш маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Спектакль яратиш жараёнида талаба сахна декорацияси, безаклари, нур, бутафория, мусиқа, шовқин, ширмадаги уч планлик ҳамда спектаклнинг бошқа компонентлари билан танишадилар. Спектакль яратиш жараёнида ижодий коллективнинг роли бекиёсдир. Чунки ҳар бир талаба бу жараёнда актив иштирок этиши ва сахна қонун-қоидаларига амал қилиши зарур.

Қисқача қилиб айтганда Қўғирчоқ театрида образ яратиш жараёни ўзига хос услубга эга бўлган ҳолда бошқа театр санъат турларидан ажралиб

туради. Диплом олди спектаклини педагог-режиссёр, рассом, кўғирчоқ устаси актёрларнинг ижодий бирлиги, уларнинг ҳамфикрлиги ҳамда ҳамкорлиги билан биргаликда яратилади.

7. Саҳнавий талқин ва томошабин.

Актёрни ҳар томонлама шаклланишида ишлаб чиқариш амалиёти катта тарбиявий аҳамият касб этади. Бу жараёнда талабалар ўқув театрида диплом олди ва диплом спектакллари кенг томошабинларга намойиш қилишади. Талабалар спектаклни намойиш қилиш жараёнида театр ва актёр ижодида томошабиннинг ўрни ва моҳияти қандай кучга эга эканлигини англаб олишади.

Демак, диплом олди ва диплом спектаклини томошабинларга намойиш қилиш жараёнида спектаклда талабалар яратган ҳар бир образ талқини томошахонада ўтирган болаларни бутун фикру ҳаёлини, ўйларини қамраб олиб, ўз даврига олиб кириш кучига эга бўлиши керак. Спектакль бир соат давом этадиган бўлса томошабин шу бир соат мобайнида актёрлар билан биргаликда спектакль замонига саёҳат қилиб унинг вақти билан яшаши лозим. Бунинг учун талабалар яратган ҳар бир образ талқини томошабинларни қамраб олиши, кўғирчоқ персонажи пластикасидаги хатти-ҳаракатлар томошахонанинг охири қаторида ўтирган томошабингача етиб бориши, актёрнинг ҳар бир айтилган сўзи унинг дил тўридан жой олиши лозим. Яъни образ моҳиятини унинг аниқ мақсадини томошабинга етказа олиш кучига эга бўлиши керак.

Кўғирчоқ театри спектакллари кўпчилиги томошабин билан мулоқатда ўтади. Репетиция жараёнида талаба бўш томоша зали билан мулоқатда бўлишига тўғри келади. Спектакль намойиш қилиш пайтида томошахонада 200-250 томошабин ўтирган бўлади. Албатта ҳар бир томошабинни томоша қилаётган спектаклга ўз тушунчаси, ўз қараши ҳамда қабул қилиши бўлади. Шунинг учун мулоқот жараёни ҳам ҳар хил тус олиши турган гап. Бу жараён тажрибасиз актёрга жуда кўп қийинчиликлар туғдиради. Чунки у ҳар доим тўсиқ ёки кўғирчоқ орқасида яширинган ҳолда бўлади. Унинг кўзлари томошабин билан тўқнаша олмайди. У фақат

кўғирчоқ персонажи орқали томошахонада содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларни илғаб, улар орасида қайси бирининг тўғри муносабат билдирганини англаб, сўнг айнан шу томошабинга жавоб қайтаради. Актёр томонидан нотўғри англаган фикр спектакль йўналишини бошқа томонга олиб чиқиши мумкин.

Мисол, институт ўқув театрида 4-курс талабаларининг Н.Гернет қаламига мансуб “Ғозча” спектакли томошабинларга намоиш қилинар эди. Биринчи сахнада Тулки ўзига егулик излаб юрганида у томонга келаётган Ғозчани кўриб қолади. У – мана, овқат ҳам ўз оёғи билан мен томонга келяпти –деб, яширинишга жой излаб, томошабинларга кўзи тушади. “Болажонлар менинг бу ердалигимни ҳеч кимга айтманглар, хўпми. Мен сизларни жуда ҳам яхши кўраман” дейди. Болалар унга “хўп” деб жавоб беришади. Тулки яширинади. Ғозча сахнага кириб келиши билан болалар, - қоч, ҳозир сени тулки еб қўяди, - деб бақира бошлашади. Ғозча ролини ижро этаётган Шавкат бир зум ўзини йўқотиб, сахна ўртасида туриб қолди. Чиқиб кетолмайди, чунки спектакль бўйича у қўлмакдаги курбақалар билан ўйнаши керак эди. Болалар огоҳлантириши бўйича сахнадан чиқиб кетса, спектаклнинг кейинги сахналари чиқмай қолади. Шу пайт сахнага югуриб Алёнка кириб келди. Алёнкани вақтли сахнада пайдо бўлганидан у баттарроқ ўзини йўқотиб қўйди. Чиқиб кетмоқчи бўлган Ғозчани йўлини тўсиб. –ҳа шумтака, сен бу ерда экансанда, мен сени излаб юрибман. Шовқин кўтарган болаларга мурожаат қилиб, - хўш нима гап, аниқроқ қилиб гапиринглар. Болалар шу атрофда тулки борлигини ва у ғозчани еб қўйиши мумкинлигини айтишди. Алёнка ролини ижро этаётган Гавҳар бир зум у ёқ, бу ёқ кузатиб трганида тўсиқ орқасида сахнани кузатиб турган талабалардан бири кўғирчоқни эгилганидан фойдаланиб, унинг қўлига тёкча туткизиб қўйди. Гавҳар кўғирчоқғини ростлаб югуриб сахна олдига келди ва болаларга мурожаат қилиб – болажанлар, ҳеч қаерда тулки йўқ... Унга жавобан болалар яна бақира кетишди – тулки шу ерда, биз уни кўрдик, у ғозчани емоқчи. Гавҳар яна ўзини қўлга олди ва болаларни тинчлантириб, - болажонлар сиз ҳеч ҳам ташвишланманглар, мени қўлимдаги мана бу таёқчани

кўряпсизларми? Агар тулки келгудай бўлса, уни шу таёкча билан тазирини бериб қўяман. Ахир сизлар ҳам менга ёрдам берасизлар, шундай эмасми? Болалар бараварига “Ҳа, ҳа” деб жавоб беришди. Шундай қилиб, Гавҳар болаларни тинчитиб, спектаклни давом эттиришга муваффақ бўлди. Бундай ҳоллар спектаклларда кўп учраши турган гап.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса Е.Яковлева шу спектаклдан бир кўринишини эслаб, - “Ғозча” спектаклида тулки образини яратганман. Алёна ухлаганида Ғозчани ўғирлаб кетишим керак эди. Саҳнага чиқишим билан болалар “Алёнка, Алёнка тура қол, тулки келди” деб, уни уйғотишарди. Ҳар сафар болаларни тинчитиб ғозчани энди ўғирлайман деганимда болалар яна бақиришарди. Алёна уйғониб, мени қувлаб кетарди. Бу ҳолат 15 мартача такрорланди. Ғозчани қутқариш билан боғлиқ ҳолда кечарди. Антракдан кейин Алёна Ғозчасини тулки ўғирлаб кетганлигини болаларга хабар беришдан бошлади. Шундай қилиб, 45 дақиқа намоиш қилинадиган спектакль 1 соату 10 дақиқага чўзилиб кетди.

Бундай ҳолатлар кўғирчоқ театр спектаклларида жуда кўп учраб туради. Чунки ёш томошабинлар саҳнада содир этилаётган ҳар бир воқеага ишонч билан қарайди. Бир зум кўз ўнгимизда таёкни от қилиб, миниб олган болакайни келтириб кўринг. Мабодо сиз билмай шу таёкни босиб ўтсангиз, у сиздан хафа бўлиб,- сиз нега менинг отимнинг думини босиб олдингиз деб, сиздан қаттиқ ранжийди.

Спектаклни томошабинга намоиш қилиш жараёнида кутилмаган бошқа ҳоллар ҳам юз бериши мумкин. Яъни томошабин спектаклдаги баъзи бир кўриниш ёки лавҳаларни қабул қилмай томошахонада шовқин-сурон бошланиб кетиши ҳоллари ҳам бўлади. “Сеҳрли кийик” спектаклини ёш томошабинларга намоиш қилиш жараёнида бу спектакль ўзининг сеҳрлилиги, кўғирчоқ ва декорацияларнинг чиройлилиги, актёрларнинг ўйини, кўғирчоқ персонажларга топилган овоз характеристикаси, мусикавийлиги билан бир қарашда томошабинларни ўзига жалб қилар эди. Лекин Ҳасан билан вазир саҳнасига келганда, томошахонада негадир шовқин бўлиб шу саҳна тугагунча болалар тинчимасди. Кейинги саҳна бошланганда,

болалар яна тинчиб, спектакль кўриш билан овора бўлиб қолишарди. Спектакль тугагач, бунинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилдик. Аниқлашича, Ҳасан билан Вазир бу сахнани ҳаракатсиз диалог асосида қуруқ гап сотиш билан ўтказишган экан.

Биз, биламизки, сахнада кўғирчоқ кўп гапириб, ҳаракатсиз қолдими, демак, у жонсиз матога айланиб қолди дегани. Бу эса сахнада ҳаёт тўхтади деган гапнинг ўзгинаси. Шунинг учун кўғирчоқ театри спектаклларида кўғирчоқ персонажларининг кўп гапиришидан қочиб, сахнада воқеликни тасвирлаш асосли, мақсадли, актив хатти-ҳаракатга қурилмоғи лозим. Кўғирчоқ сахнада жонсизликни ёқтирмайди, унинг ҳаракатлари активликка асосланган бўлиши керак. Унинг кўзлари жонсиз бўлганлиги учун томошабин персонажнинг қалбида нималар кечаётганини кўғирчоқнинг кўзлари орқали илғаб оломайди. Бу ҳолатни уни бошқараётган актёр унга мос топган овози ва тана пластик ҳаракатлари орқали етказиб бериши мумкин. Шунинг учун талаба кўғирчоққа мос топилган тана пластикасини мақсадли актив хатти-ҳаракатларга қурмоғи керак. Шунда кўғирчоқ театр спектаклларинитомошабин қизиқиш билан томоша қилади.

Ўқув ишлаб-чиқариш жараёнида кўғирчоқ театри имкониятларидан келиб чиққан ҳолда актёрни тезлик билан ролга киритиш ва уни спектаклда ўйнатиш ҳоллари ҳам бўлади. Бундай жараённи амалга ошириш учун кўшимча репетиция (машқ) талаб қилинади. Дейлик, спектаклни томошабинларга намойиш қилинадиган график олдиндан тузилиб чипталар аллақачон сотилган. Иссиқ жон дегандай курснинг бир талабаси бетоб бўлиб қолди. Бундай ҳолат театрда ҳам учраб қолиши мумкин. Бўлажак актёр албатта бу жараёнга тайёр бўлиши лозим. Бу жараён қандай кечади? Бунинг учун курс талабаларидан бирининг актёрлик маҳоратидан имконият даражаси инобатга олиниб, тезлик билан кўшимча репетициялар ташкил қилиниб, уни бетоб бўлган талабанинг ўрнига тайёрлаш керак бўлади. Кўғирчоқ театри спектаклида бир вақтнинг ўзида битта актёр бир неча роль ижро этиш имконига эга бўлиши мумкин. Фақат у яратаётган образлар

спектакль жараёнида битта кўринишда бир вақтнинг ўзида бир-бири билан учрашмаса бўлгани.

Спектаклни томошабинга намойиш қилиш жараёнида кўғирчоқ театрининг яна бир хусусиятини эътиборга олиш керак, деб ўйлайман. Яъни диплом олди ва диплом спектакллари ишлаш жараёнида бу спектакль қайси томошабин ёшига мўлжалланганлигини аниқлаб олиш зарур. Ўқув театрида намойиш қилинадиган спектакллари ҳам аниқ белгиланган томошабин ёшини инобатга олган ҳолда кўрсатиш лозим. Чунки ҳар бир ёш томошабин ўз ёшига муносиб ақл-идрок, туйғу, борлиқни қабул қилиш хусусиятларига эга бўлади. Кўпинча кўғирчоқ театр спектакллари ичик, ўрта ва катта ёшдаги томошабинларга мўлжаллаб сахналаштирилади.

8. Услуганинг образ яратиш жараёнидаги ўрни.

Ҳар бир ижодкор ҳаётда содир этиладиган маълум воқеа ва ҳодисаларга ўзгача ёндошади. Воқеликни тасвирлашда у ўз услубига эга бўлади. Битта даврда бир хил воқеликдаги асар персонажлари ўз характерли хусусиятига, ҳаётда тутган ўрнига қараб ҳар хил тасвирланган бўлади.

Шунинг учун спектакль яратишда ҳамда ундаги образларнинг талқинида педогог-режиссёр ва талабалар автор услубига катта эътибор бериши ва автор ғоясига бўйсунган ҳолда ишлашни билиши зарур. Бу асар моҳиятини, асосини очишда ижодкорга катта йўл очиб беради. Мисол учун, биз бир даврда яшаб ижод қилиб келаётган Пиримкул Қодиров билан Ўткир Ҳошимовнинг асарларини ўқиганимизда, уларнинг ҳар бири ўзининг муаллифлик услубига эга эканлигига гувоҳ бўламиз. П.Қодиров ўз романларида кўпинча тарихга назар ташлаб, тарихий шахсларнинг бошидан кечирган ажойиб ва ғаройиб саргузаштларни ва тарихда ўчмас из қолдирган улуғ фаолиятларини ёритади. Бунга унинг “Бобур”, “Ҳумоюн ва Акбар” романларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Адиб Ўткир Ҳошимов эса, ўз романларида замонасининг илғор кишиларини босиб ўтган ҳаёт йўли, уларнинг қисматини ёрқин буёқларда

тасвирлайди. Унинг “Нур борки, соя бор” ёки “Икки эшик ораси” романлари фикримизга далил бўлиши мумкин.

Болаларнинг севимли ёзувчиси Саъми Абдуқаҳҳор сатира жанрида ижод қилиб келмоқда. У бир қанча масал, хажвий ҳикоя, шеърӣй фелъетон ва пародиялар автори. Ёзувчи ўзининг асарларида жамиятимиздаги кишиларнинг тинч яшаб, ожд қилиб, унумли ишлаши учун ҳалал берувчи юлғич, алдоқчи ва ишёқмасларга сатира жанри орқали аёвсиз курашади. Унинг “Ҳижолат”, “Бекатда”, “Туш”, “Айрон”, “Жумбоқ” ва бошқа асарларида кишилардаги салбий ҳислатлар танқид қилинади. Анвар Обиджонов эса Шарқнинг бир доно ҳукмдорининг, “Мен халқнинг қаҳридан кўра мазахларидан кўпроқ кўрқаман”, деган фикрига кўшилган ҳолда жамиятимиздаги турли нуқсонларни йўқотишга “кулгини” курул қилиб олган. “Кулги умрни узайтиради”, деган донишмандларнинг фикрига кўшилган ҳолда ўзининг хангомаларида дардни кулги билан енгиш мумкинлигини исботлаган ёзувчи. Унинг “Совуган кўнгил”, “Шубҳа”, “Дардингни стадионга айт”, “Минг сўмлик пўстак”, “Пойгакдагилар”, “Кўзғорни кумсаш” ва бошқа асарларида нуқсонлар танқид остига олинади.

Кўғирчоқ драматургиясига мурожаат қиладиган бўлсак, шу соҳани йирик вакилларида бири адиб Муҳсин Қодиров ўз асарларида поэтик фалсафа орқали халқ ижодиёти ҳамда эртак мотивига мурожаат қилиб, воқеликни замонавий қаҳрамонлар ҳаёти орқали тасвирлайди. Бунга адибнинг “Сирли най”, “Чин дўст”, “Сусамбил”, “Кенжа қиз” асарлари мисол бўла олади. Адиб Анатолий Қобулов эса ўз асарларида эртак мавзусига мурожаат қилиб, асар қаҳрамонлари ҳаёт йўлини, уларнинг ички кечинмаларини сеҳр орқали ҳал этади. Бунга унинг “Сеҳрли кийик” асарини кўрсатиш мумкин.

Авторнинг асар яратишда ўзига хос услуби бўлганидек режиссёр, актёр, рассом-хайкалтарош ва кўғирчоқ устасининг ҳам спектаклини тайёрлаш, образ яратиш жараёнида ўзига хос услуби бўлади. Шунинг учун сахнада яратиладиган ҳар бир ижодий иш ўзининг алоҳида хусусиятга эга бўлади. Битта драматик ёки кўғирчоқ театрига мўлжалланган асар ҳар бир

алоҳида олинган театрда автор услубидан келиб чиққан ҳолда айнан маълум театр ижодкорлари томонидан ўз ечимига ва талқинига эга бўлади. Мисол учун, режиссёр Исо Ёқубов билан ҳамкорликда ишлаган рассом-ҳайкалтарош Евгений Акудиннинг қўғирчоқ театр сахнасида яратган спектакллари ўзининг жозибадорлиги, рангларни тўғри танлаганлиги, қўғирчоқларни усталик билан ясалганлиги, сахнада бой, ранг-баранг анжомларни ҳар бири ўз ўрнини топганлиги, спектаклда албатта мусиқа, қўшиқ, ўйинларнинг кўплиги ва ўз ўрнида аниқ ишлатилиши, спектаклнинг ихчамлиги персонажларнинг томошабинлар билан кўпроқ мулоқатда бўлиши, бир сўз билан айтганда, улар яратган спектакль ҳар доим гўзаллиги ва томошабини бир қарашда ўзига мафтун эта олиши билан ажралиб туради. Е.Шварцнинг “Золушка”, Исфандиёрнинг “Темирчи ва малика ҳақида эртак”, Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” М.Халилнинг “Сирли най” Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” М.Ашурованинг “Ўз уйингни ўзинг асра” ва бошқа асарлар асосида ишланган спектакллар эътиборни тортади. Марям Ашурова билан рассом ҳайкалтарош Шухрат Абдумаликовнинг ижод йўлига назар соладиган бўлсак, бу ижодкорнинг биргаликда яратган “Мўжиза”, “Оқ кушлар нидоси”, “Соғлом танда-соғ ақл”, “Ўз уйингни ўзинг қадрла” ва бошқа спектакллари сахнада кенгликни талаб қиладиган, сеҳр ва мўжизаларга бой, спектаклда актёр ўйини билан биргаликда техника ва чироқларни ишлатилиши билан ажралиб туради.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ижодкорни алоҳида бир-биридан ажратиб турадиган ўз қалами ва услуби бор. Шунинг учун битта асарни ўнта режиссёр ўнта театрда сахналаштиради, асар маълум аниқ ғояга асосланишига қарамадан, унинг талқини ҳар хил бўлади.

Услуб тўғрисида гапирганда, актёрларда ҳам образ талқинида ўзига хос йўналиш борлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун қўғирчоқ театр сахнасида яратилган жодугар кампир, шоҳ, малика, бўри, қуён, айиқ, тулкиойлар образлари ҳар хил актёрлар ижросида турлича талқин қилинган. “Янги йил мўжизаси”, “Ўлмас Кашшей” спектаклидаги жодугар кампир ўзининг хусусиятига кўра бир хил характерга эга бўлган образ. Яъни

атрофдагиларга фақат ёмонлик истовчи перонаж. Шунга қарамасдан бу образ болалар театрининг спектаклида жуда кўп талқин қилинган образлардан бири бўлиб келмоқда. Ёки ёш томошабинларнинг сеvimли қаҳрамонига айланган “Қуён” билан “Бўри” образлари ҳам шулар жумласидан ҳисобланади. Ҳар хил спектакль ёки мультфильмда турли хил талқин қилинган Қуёнвой образи кичкинтойларнинг сеvimли қаҳрамонига айланган. Уни болалар жон-диллари билан севиб, ҳимоя қилишади. Бўри образини оладиган бўлсак, у ҳар икки пьесанинг бирида учраб туради. У кўпинча ўз характерли хусусиятига кўра, бир хилда салбий образ тариқасида кўрсатилган. Лекин актёрлар бу персонажни гоҳида ҳаммани кўрқитиб юрадиган, гоҳида ландовур, гоҳида ҳаммани кўрқитиб юрадиган, гоҳида ландовур, гоҳида раҳмдил қилиб, образни кўп қирраларини очиб бериш имконига эга бўлган.

Демак, актёр образни рўёбга чиқариш учун ўзининг актёрлик маҳорати ҳамда истеъдодини турли восита, усул билан бир қаторда сахна санъатида яратилган ижодий йўл-йўриқлардан ҳам фойдаланиш имконига эга бўлиши керак. Ана шунда талаба болаларнинг сеvimли қаҳрамонига айланган Полвон Качал, Зумрад, Золушка, Ғозча, Қуёнвой, Кийик ва ҳ.к.ларни ҳар сафар сахнага олиб чиққанда бу персонажларни янги бўёқларда ифодалаб, уларга хос бўлган янги-янги ҳислатларни топиб, образ талқинига янгича жило бера олади.

9. Образ яратиш жараёнида миллийлик ва миллий анъаналарнинг тутган ўрни.

Ўзбек маданияти ва санъатининг тараққиёт йўлига назар соладиган бўлсак, у асрлар давомида тараққий этиб, мустаҳкамланиб, миллий хусусиятларни ўзида акс эттирган ҳолда замонлар оша миллий анъаналарга содиқ қолиб, унга сайқал бериб, замон руҳига мослаб, уни авлодларга етказиб келмоқда.

Миллийлик ва миллий анъаналаримизни равнақ топиб боришида санъат турларининг тутган ўрни бекиёсдир. Чунки адабиёт, мусиқа, цирк, кўғирчоқ театри, тасвирий ва амалий санъат у қайси йўналиш ва кўринишда

бўлмасин асрлар давомида инсонларнинг ҳис-туйғусига, руҳиятига таъсир этувчи маънавий гўзаллик, эзгулик сифатида намоён бўлиб келмоқда. Хосе Ортега И-Гассет айтганидек “Илм-инсон муаммосини ҳал қилиш йўлидаги биринчи босқич, ахлоқ-иккинчи босқич, санъат энг радоқли қатламга етиб боришга уринишдир” – деган эди. Шунинг учун миллийлик ва миллий анъаналаримизнинг ёшлар тарбиясидаги роли бекиёс. Айниқса техника даври бўлмиш 21 аср ёшларнинг тарбиясига айниқса интернетнинг кириб келишидаги ютуқ ва баъзи салбий таъсирларига эътиборимизни қаратишимиз лозимга ўхшайди. Биз ёшларимизнинг тарбиясига замон билан ҳамоҳанг бўлган ўз қадриятларимизни нечоғли қудратли эканлигини унинг онгига сингдира олсакгина кунимизни ёшлар кўлида порлоқ бўлишига ишонч ҳосил қиламиз. Фақат ёшларимиз ўзлигини англаб, миллий анъаналарга содиқ бўлиб қолган ҳолда, жамиятни ривожлантириш иштиёқида жаҳон халқларининг маданияти ва санъатини ўрганиб, унинг илғор фикрларини ҳаётга тадбиқ этиш имконияти туғилади. Актёр ва режиссёрлар миллий адабиётимизнинг жонкуяр, забардаст ўғлонларидан А.Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, А.Қодирийни “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Алишер Навоий”, П.Қодировнинг “Бобур”, Темур Маликнинг “Аждодлар хотираси”, Ў.Хошимовнинг “Икки эшик ораси” каби бадиий пухта ўз халқининг жонкуяр инсонлари, ватанининг равнақи учун жони ва меҳнатини аямаган турли замон қаҳрамонларининг ҳаёт йўлини англаб, ўрганиб, улар ва уларнинг фидойилликларини давом этиш истаги уйғонади. Онги, билими маданияти, тафаккури бой китобхон қайси касбга манзур бўлмасин у бошқа халқ ва эллатларнинг ижодий маданий ва маънавий бойлиги билан қизиқади ва унда уларни ўрганиш истаги уйғонади. Шунда у чет эл ёзувчи ва драматурглари Сервантес, В.Шекспир, Диккенс, Бальзак, Гёте, Марк Твен, А.Пушкин, Л.Толстой, А.Чехов ва П.Достоевский каби улуғ зотларнинг меросларини ўқиб, ўрганиб, маънавий дунёсини бойитади. Уларнинг турли урф-одат ва ҳаёт тарзига монанд характерли хусусиятларни билиб олади.

Ижод даргоҳида билим олаётган ижодкор ёшлар биринчи қадамданок ўзлигини билиб миллий анъаналарга содиқ қолиб, ўқиб ўрганиб сўнг уни

иждога тўғри тадбиқ эта олсагина у жаҳон халқларининг маданият ва санъатини тушунишга қодир бўлади. Саҳнада яратилган турли хил образлар мажмуасини ўзига хослиги, юриш туриши, феъл атвори, ички ва ташқи дунёсининг ўзи яшаётган дунёнинг анъаналарига мос тушуши лозим. Шунда асар ғоясини мақсадга мувофиқ бўлишига вам томошабин томонидан спектакль мазмунини тўғри англашга ёрдам беради. Таниқли олим М.Қодиров кўғирчоқ театри тарихига бағишланган тадқиқотларидан бирида, Осиё кўғирчоқ театри бу шунчаки эрмак ўйин эмас, балки бир қитъа халқларининг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусиқаси, фольклори, тасвирий санъати ва албатта тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий бадиий ҳодисадир: -деб таъкидланган эди.

Инсоннинг юз қиёфасини унинг ички психологик олами билан боғлаган ҳолда аниқ ҳамда тўлиқ бўлмаган, рассом ва кўғирчоқ устаси томонидан яратилган тасвирий санъат асари кўғирчоқ персонажи маълум давр, замон руҳиятига мос келган анъаналарни ўзининг ташқи ҳолати орқали намоён қила олади. Шу билан бир қаторда унинг жонланиш жараёнини ўз зиммасига олган актёрнинг иждодий йўли бу персонажнинг яшаб ўтгани давр руҳияти, ички кечинмаси, уни ўраб турган борлиққа муносабати ва унинг мақсадларини амлга ошириш йўлидаги хатти-ҳаракатларида қайси миллатга қарашли бўлса, албатта ўша миллатнинг табиати, миллий анъаналаридаги ўзига хосликни образда мужассам этмоғи даркор. Албатта бундай характерли хусусиятлар актёр тарбиясига, унинг турли жанрларда ранг-баранг образлар яратишга имкон беради. Бунда ҳар бир образ ўзи келиб чиқиш хусусиятига қараб, унинг сирли олами, овоз нутқи, феъл-атвори, кийиниш маданияти ва хусусиятларни ўзига хос ва ўзига мос жиҳатларни илғаб олади. Саҳнада яратилган А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги Отабек ва Кумуш образидаги характерли хусусиятлар В.Шекспир асаридаги Ромео ва Жульетта образидан ўта фарқли бўлиб, бу иккала асарда тема “Севги” бўлсада уни ёритишда ҳар бир халқнинг тарихи, маданияти, уларнинг миллий урф-одат ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда талқин қилинган. Ёки бўлмаса ўзбек халқ эртагидаги Зумрад образи билан рус халқ эртагидаги

Алёнушка образини оладиган бўлсак, асар темаси ва персонажлари мақсади бир хил бўлишига қарамасдан образлар характери бир-бирига ўхшайди. Иккала эртакнинг асосий ғояси адолатни тиклаш, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш, ёмонликни махв этишдир. “Қиммат ва Зумрад” ўзбек халқ эртаги, “Алёнушка” эса рус халқи эртаги бўлганлиги учун бу икки асардаги сахна кўринишлари, жиҳозлар, персонажларнинг кийим-кечаклари, уларнингички кечинмалари ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги ва уларнинг миллийлиги ва миллий анъаналарга тўғри келган. Бу эса образ моҳиятини очишга тўғри йўл кўрсатади. Агарда жаҳон кўғирчоқ театрининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, барча миллат ва элатларда пайдо бўлган анъанавий кўғирчоқ театрининг миллий қаҳрамонлари мавжуд. Улар ўзбекларда Полвон Качал, туркларда Қоракўз, италияликларда Польчинелла, русларда Петрушка. Бу миллий қаҳрамонлар характерли хусусиятлари жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлсада, уларнинг ички кечинмалари ва ташқи тузилиши унинг қайси бир миллатга тегишли эканлигини англатиб туради. Шу билан бирга бу анъанавий миллий қаҳрамонлар дунё кўғирчоқ театрларининг ривожланиши жараёнига ўз ҳиссасини қўшган. Бугунги кунда эса улар кўғирчоқ театр сахналарида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналарига содиқ эканлигини англатиб туради. Бугунги кунга келиб режиссёр ва актёрларни тарбиялашда профессор-ўқитувчилар дунё санъати билан биргаликда ўзининг миллий анъаналарига содиқ қолиб, уни ҳаётга тадбиқ қилмоғи даркор. Бунинг энг муҳим томони шундаки, бугунги кунда теарт спектаклларида анъанавий услуб ва воситалар тикланиб, у замонавий театрга янгилик олиб кирмоқда. Анъанавий воситалар, анъанавий қаҳрамонлар ҳамон қизиқарли бўлиши ва яхши натижалар бериши бугунги театрларимиз сахналарида ўз исботини топиб келмоқда.

10. Кўғирчоқ театри санъатининг бугуни ва эртаси.

Кўғирчоқ театри ўзига хос бетакрор санъат турларидан биридир. Ёш томошабиннинг санъатга ошнолиги илк бор кўғирчоқ театридан бошланади.

Қўғирчоқ театри спектакллари ранг - баранг бой ғояга эга бўлган турли жанрларни ўзида мужассамлаштирган. Унинг сахнасида ёш томошабинларни маънавий эстетик дунёқарабини бойитиш учун хизмат қиладиган мукамал сахна асарлари бўлиши шарт. Бугунги кунда Республикамизда 9 та профессионал давлат қўғирчоқ театрлари ёш томошабинларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг репертуаридан миллий ва хорижий муаллифларнинг асарлари жой олган. Қўғирчоқ театр санъати бугунги кунда турли услуб йўналиш ҳамда анъаналарга бойдир. Унинг сахнасида ижод қилиб келаётган актёрларнинг сахнадаги кўриниши ва томоша воситаси бўлган тасвирий санъат асари қўғирчоқларнинг ҳар хил турлари уларнинг иш услублари, яратишлик қобилияти театрнинг ранг-баранг қизиқарли ижод йўналишлари мукамаллашиб ўзининг янги қирраларини чексизлигини таъмилаб борапти. Асрлар оша яшаб ижод қилиб келаётган анъаналарни бугунги тарихий давр ғоялари мазмуни билан бойитишга жазм этаётган қўғирчоқ театри репертуарига назар ташласак бунга амин бўламиз.

”Оқ қушлар нидоси”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Карвон сарой”, “Қуёш нурчаси”, “Соғлом танда соғ ақл”, “Мушиқ хола қошонаси” ва х.к.лар.

Қўғирчоқ театрининг ижодий механизмини иш йўналишини бошқарадиган унинг бугуни ва эртанги кунини белгилайдигон ижодкор ким деган савол туғилади. Албатта бу инсон режиссёр жаноблари. У бу номга лойиқ бўлиши учун ҳаётдан сабоқ олиб, турли мактаб йўналишларида ўқиши керак. Энг асосийси у табиат берган иқтидор билан бирга туғилмоғи даркор. Айниқса институтга режиссёр мутахассислигига олинадиган абитуриентларни ёшига, лицей ёки коллежни санъат бўлимини битириб, санъат соҳасида ишлаган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган ёшларни бўлиши мақсадга мувофиқдир. Касбга таваккал қилиб эмас, балки аниқ мақсад йўлида катта маъсулиятни сезган, шу соҳани фидойиси бўла оладиган, санъатни турли йўналишларини ўзлаштириб, ўзига сингдира оладиган қатъиятли, мустақил иродали инсонгина бу касбни эгаллаши мумкин. Ўқиш давомида бу касбга тааллуқли барча билимларни назарий ва амалий томонларини пухта ўрганиб, диплом спектаклни яратиш жараёнида уни компонентларидан унумли фойдалана

олишга қодир бўлиши керак. У театрда спектакл яратиш жараёнида ижодий коллективни бир мақсад сари бирлаштириб, яхлит сахна асари яратиш, у сахналаштирган асар театрнинг бугунги ва эртанги кунини белгилаб, томошабинларни қалбидан жой олиши керак. Бугунги кун режиссёри замон талабини, болалар психологиясини, уларнинг бугунги кунда қизиқтирган жумбоқлар ва уларнинг ечимини ўз спектаклларда усталик билан оча олиш хусусиятига эга бўлмоғи даркор. Театрга репертуар танлаганда албатта болалар ёши инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир. Асарда ёритилган мавзу маълум ёшдаги боланинг қабул қилиш имконият доирасига боғлиқ. Ёш томошабин ёшига қараб маълум воқеаликка баҳо бериш ва уни қабул қилиши ҳар хил кечади.

Сахна юзини кўрадиган спектакллар театр имкониятидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ижод ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда профессионал даражада амалга оширилиши керак. Кўп ҳолларда бунинг аксига дуч келган ҳолда сайёз асарлар юзага келади. Бу эса ижодий коллективни имкониятларини чеклаб қўйишга олиб келади. Бугунги кун режиссёрининг муаммоларини нималарга боғлиқ эканлигини аниқлаш учун жуда кўп қўғирчоқ театри ҳақида ёзилган материаллар билан танишиб чиқдим. Негадир бирор бир ёзилган материалда бу муаммони бирор бир ечими топилганига кўзим тушмади. Бугунги кун қўғирчоқ театри ижодига назар соладиган бўлсак, театр актёри ва ҳамда рассомининг аниқ ижоди, яъни сахнада спектакл яратишда қандай муаммоларга дуч келаётганлигини бирор бир мутахассис англай олмаган, ёки англашни истамаган бўлса керак деб ўйладим. Бу албатта театрда сахналаштирилган спектаклларни савиясида кўриниб турибди. Театрдаги спектакллар бирин – кетин бир неча маротаба қайта – қайта қабул қилмайди, ҳатто бу ҳолат Республика қўғирчоқ театрида ҳам ўз аксини топиб келмоқда. Негадир театр мутахассислари бу ҳолатни сабабини чуқурроқ англамасдан, томошабинлардек ижодни якунига баҳо беришади. Спектакл яхши ёки ёмон деган фикрни билдиришади. Биз биламиз-ки, қўғирчоқ театр режиссёри бошқа театр режиссёрдан фарк қилади. Агар барча театр турларида спектакл яратишда жонли актёр иштирок

этса, кўғирчоқ театр сахнасида тасвирий санъат асари бўлган жонсиз кўғирчоқлар ёрдамида амалга оширилади. Бунда биз режиссёрни спектакл яратиши давридаги ижодий ишни кўриб чиқадиган бўлсак. Яъни ижодий коллектив учун пьесса танланади. Драматургия – тўғри қайси бир маънода хал бўлди дейлик. Бугунги кун режиссёрининг энг долзарб муаммоларидан бири, бу ўз биносида эга бўлмаган театрларда ишлаши. Ўз биносига эга бўлмаган ёки ўз биносига эга бўлган театрларнинг асосий муаммоси эса буларнинг ўз ижодий профессионал устахонасига эга эмаслигидир. Бу етмагандек режиссёрни яхлит тўла қонли профессионал спектакл яратиши учун бу йўқ устахоналарда ишлайдиган мутахассис ижодкорларни ҳам йўқлиги, яъни рассом, хайкалтарош, кўғирчоқ ички механизмини ясовчи устаси – бу ҳолат бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Тўғри театрлар ишлаб турибди дерсиз. Баъзи бир театрларнинг иши бадий хаваскорлик даражаси десак ҳам бўлади. Биз эса давлат кўғирчоқ театри яъни профессионал театр тўғрисида гапираяпмиз. Энг ачинарли ҳолат, бу кўғирчоқ театрлари учун зарур бўлган юқорида қайд қилинган кадрлар ҳеч қайси бир олий даргоҳда тайёрланмайди. Бу муаммони ечими “Кўғирчоқ театри санъати” кафедраси қошида амалга ошириши мумкин. Санкт-Петербург университетида бу масала шундай ўз ечимини топган. Яъни театр учун керак мутахассислар рассом кўғирчоқ устаси ва ҳақозолар кафедрада таёрланади.

Яна бир муаммога эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугунги кунда кўғирчоқ театрини ижод йўлини ва профессионал режиссёрни рассом ва актёрни ишини баҳолайдиган ижобий ва танқидий фикр юритадиган шу сохани билимдонлари яъни театр танқидчилари кўғирчоқ театри санъати соҳасида жуда танқис бўлиб бораяпти. Тўғри умум театр соҳасини баъзи танқидчиларини инобатга олмаганда: М. Қодиров, Х.Икромов, Э.Ўринов ва бошқалар. Кўплаб ёш кадрларни етиштириб бераётган санъатшунослар орасида ҳам сохани чархлаб ўз фикрини профессионал даражада билдирадиган танқидчиларни кўрмайпмиз. Бугунги кунда устозларни кетидан эргашиб, кўғирчоқ театр санъатини ижодидаги паст-баландини англаб, унга профессионал фикр билдирадиган театр танқидчиларни борлиги

фойдадан холи бўлмас эди. Кадрларни жой жойига қўйиш масаласи кейинги пайтда ўз ечимини топа олмаяпти. Чунки қўғирчоқ театр профессионал ижодкорлар ўрнини бу касбга умуман алоқаси йўқ бошқа театр соҳа вакиллари эгаллаши қўғирчоқ театрда англай олмайдиган ҳолатларни юзага келишга олиб келяпти. Шунинг учун қўғирчоқ театри санъатини келажаги ва уни ривожланиши йўлини белгилишда қуйдагиларга эътиборни қаратиш жоиздир.

1. Ҳар бир театр ўз биносига ва устахонасига эга бўлиши.
2. Бадий жихатдан баққуват драматургияга асосланган театр репертуарини танланиши.
3. Театрда профессионал актёр, режиссёр, рассом, хайкалтарош ва қўғирчоқ устасини барқарорлигини таъминланиши.
4. Юқори профессионал даражада тасвирий санъат асари бўлган театр қўғирчоқни ишлаб чиқарилиши.
5. Томошабинларни ёшига инобатга олган ҳолда спектакл яратилиши.
6. Спектакллар театр ёки ташқарида намоиш қилинганда юқори савияли даражани таъмилланиши.
7. Қўғирчоқ театр соҳасига тегишли бўлган танқидчиларнинг бўлиши.

Бугунги кун қўғирчоқ театр ижод йўли талаб даражасида бўлиши учун театр сахнасида яратилган спектакллар профессионал санъат асарига айланиб, сахнада ўзини мавқеини ушлаб қолиши керак. Ёш томошабинни маънавий-марифий, эстетик тарбияси ва унинг дунёқарашини шаклланишида қўғирчоқ театрининг аҳамияти чексиздир.